

## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 136-ҳадис

136/172 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا شَرِبَ الْكَلْبُ فِي إِنَاءٍ أَحَدِكُمْ فَلْيَغْسِلْهُ سَبْعًا».

136.172 Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ит бирортангизнинг идишидан сув ичса, идишни етти марта ювсин»**, дедилар».

**Изоҳ:** Ҳанафий мазҳабига кўра ҳам итдан қолган нарса нажосатдир. Аммо у ялаган идиш уч марта ювиш билан тозаланади. Бунга Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ит ялаган идиш уч марта ювилади», деган сўзлари далил бўлади (Дорақутний ва Ибн Адий ривояти).

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI